



ЗУЛФИЯ

МОЛАК И ВТАЛАК



Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия болалар учун ҳам  
ничик-ничик лирик шеърлар ёзиб, китобхонлар ҳурматини қо-  
зонган. Бу китобда ўнинг кичик ўғил-қизлар учун ёзган барча  
шеърлари жамланган бўлиб, у-сиз, ўқувчиларга манзур бўлади,  
деб ўйлаймиз.

Марҳамат, китоб билан танишинг!




Ў. П. НАЗАРОВ ВА В. М. СОСНОВЕЦ РАСМЛАРИ

Зулфия

# ПОЛАК И ВФАЛДОЖ

ШЕЪРЛАР



ЎЗБЕНИСТОН  
ЛКСМ МАРНАЗИЙ  
КОМИТЕТИ  
„ЁШ ГВАРДИЯ“  
НАШРИЁТИ

ТОШКЕНТ – 1970






## ГУЛЛАРИМ

"Нега дейсиз гулларим!"  
Деб бердингиз сиз сўроқ.  
Ўайга тушса кўзларим,  
Сизлар ўйнаб юрган боғ.

Нурни яхши кўрасиз,  
Сувда урасиз жавлон.  
Парваришда ўсасиз,  
Гул билан сиз инқовлон.

Гуллар ўқий олмас ҳам,  
Ўўшиқ куйлолмас сиздай.  
Босолмас олға қадам,  
Чарақлашиб юлдуздай.

Сиз ҳаёти ўлкаминг,  
Сиз келажак гуллари.  
Яшнанг, очилинг, ўсинг,  
Кўз, дилимиз нурлари.



## УЧРАШУВ

Колхоз клуби неча  
Тўлган эди одамга.  
Бирдан нечун Ҳадича  
Сигмай қолди оламга.

Бирдан колхоз қишлоғи  
Севинчига келди тор . . .  
Она ёниб ёноғи  
Ўлтиради бахтиёр.



Халойиңнинг тилида  
Она ҳаңда борар сўз.  
Зал, дераза, эшиқдан  
Унга боқар юзлаб нўз.

Она ёниб ёноғи  
Саҳнада ўлтирар жим.  
Ишларининг салмоғи  
Сўзланади бетиним.

Минбарга чиқади чол  
Сўзлайди она ҳаңда:  
–Бу аёлнинг севгиси  
Товланади ипакда.

Колхозда қурт тутувчи  
Нурхондай юз–юз аёл.  
Ленин олган ҳосилин  
Ним қилган эди хаёл?

Гул очилиб сўлгунча  
Қурти ўради ипак.  
Халқ этаги тўлгунча  
Дур тўнди этак–этак.

Пилласидай юрт бўйлаб  
Кетди колхоз шуҳрати.  
Нурхон бўлса арзийди  
Халқимиз депутати.

Она – қуёшдай буюк  
Нўринар қиз нўзига.  
Меҳнатнаш нўлин ўпиб  
Суртмоқ бўлар юзига.


Онанинг меҳнатидан  
Сўзлайди халқ, Ватани.  
Дилда муҳаббатидан  
Яйрар қизчанинг тани.

– Онажоним, жон ойи! –  
Пичирлар қизча лаби.  
Тўрда буюк чиройли  
Ватани турган каби.

Тинглар Ҳадича бу дам,  
Лов – лов ёнар ёноғи  
Нўз олдида минбардан  
Сўзлар бутун қишлоғи.

Ўз номзодин тинглар жим,  
Сайловчилар зал тўлиб:  
– Шу қишлоқда туғилдим,  
Шу ерда ўсдим униб.

Меҳнатга ҳам зафарга  
Ўзингиз ўргатдингиз.  
Ҳар бирингиз жаҳондай  
Зўр ишонч кўрсатдингиз.





Нурхон опа вужудин  
Ўрар ажиб ҳаяжон.  
Меҳнатидай салмоқли  
Фикрин қиларди баён:

– Ҳамқишлоқлар, дилимда  
Яшайди шундай истан:  
Гербимизни пахтадай  
Безасин кумуш ипак.

Наказингиз жо қилдим  
Барини дилга, – деди.  
Бутун кучим, қудратим  
Куч берган элга, – деди.

Ўарсак янгради залда,  
Ўарсак чалди Ҳадича.  
Онанинг сўзларидан  
Ёриб кетганди неча.





## ЏИЗЧАМ

Бугун тонгдан эртароқ  
Уйқудан турди қизчам.  
– Байрамингиз муборак! –  
Деди – ю қучди маҳнам.

– Эрнам, сенга ҳам, – дедим,  
Ҳаёт муборак бўлсин;  
Мен озод бўлмасайдим  
Сенга қайдан бахт кулсин.

Агар қуёш бўлмаса  
Нурни қайдан олар ой?  
Ҳаёт бўлурми чўлда  
Айқириб оқмаса сой.

Оналар ҳаётдан  
Қуллик йўқолган мангу.  
Шунинг – чун фарзандларнинг  
Лабида тонгдай кулгу.



Мен озодман, сен эркин,  
Нурга тўлган уйимиз.  
Эрк берган Ватан ерин  
Гуллатишдир ўйимиз.

Сен ўқийсан, мен ишда,  
Дилда умидлар қат-қат.  
Дил олға интилишда  
Ишончга тўлиб фақат.

Ўсасан ақлинг тиниқ,  
Гўдаклигинг бахтиёр.  
Бахтингни қўриқлаган  
Онангу Ватанинг бор.

Ватан, онанг ва сенга  
Буюк таянч Кремль.  
Ундаги юлдузларни  
Сен ҳам мендай сева бил!



## КАПАЛАК

Хулкар деган қизчаман,  
Гул ичида ўсаман.  
Нўнда учса напалак  
Йўлларини тўсаман.

Унга дейман: „Ҳай гўзал,  
Бормоқдасан қаёққа?  
Пастга туша қол бу гал,  
Нелиб қўн бизнинг боққа.

Ҳовлим гуллик бир боғдир,  
Мен ўйнайман, яйрайман.  
Фунчаларга шеър айтиб,  
Булбул бўлиб сайрайман.

Мана сенга пушти гул,  
Хоҳласанг оқ гулга қўн.  
Гулсавсар ҳам гўзалдир,  
Анор кийган қизил тўн.



Жийда сочган ҳидини,  
Ҳовли тўлган атирга.  
Нел напалак, боғимга,  
Ўйнайлик бирга-бирга.

Напалак рози бўлди,  
Нелиб қўнди боғимга.  
Мен ҳам унга тутдим гул  
Сигмайин қучоғимга.

Напалакни ўтқизиб  
Мен унга шеър ўқидим.  
Қизил гул бутоғида  
Унга уя тўқидим.

Напалак хурсанд бўлди,  
Севиниб қанот қоқди.  
Деди: „Энди нетмайман,  
Боғинг менга кўп еқди“.

Ўйнадик оқшомгача.  
Қуёш уйига нетди.  
Сўнг дедим напалакна:  
„Ухламоққа вақт етди.“

Тоза ўйнаб чарчадик.  
Энди ухлаб ором ол.  
Мен ҳам ухлашга ётай,  
Ўртоқжоним, яхши қол!“





## ЛОЛАҒИЗҒАЛДОҢ

Она турган хонага  
Ҷизи кирди югуриб,  
Гүе сиғмай оламга  
Деди шошиб–нүпириб:

–Ойижоним, тез юринг,  
Нўрсатаман қизиқ гул.  
Хурриятнинг томини  
Лола қоплабди буткул.

Ҳали ундай гулларни  
Нўрмагансиз ҳеч қайда.  
Ҳатто йўқ нитобдаги  
Ќуён кезган тўқайда.

Тортиб она қўлидан  
Уйдан чиқди югуриб.  
Томга боқди суқ билан  
Айвон лабида туриб.




– Ойи, қандай чиройли  
Хурриятнинг лоласи.  
Чиқиб терсан майлими.  
Уришмасми онаси?

– Билмайман, жоним қизим.  
Онаси дан сўранглар.  
Рухсат берса чиқинг–у.  
Кўзингизга қаранглар!

Қизча худди читтандай.  
Сакраб нетди шу замон.  
Дам ўтмайин инни қиз  
Томда уришди жавлон.

Қизлар юзидэй қизил  
Ўша томнинг чечаги.  
Ўтлар тебранди енгил  
Тегиб ўтса этаги.

Лола каби очилди  
Томда инни қизалоқ.  
Тиз баравар ўтлардан  
Терди лолақизғалдоқ.



## ТИЛЛА ҚҰНҒИЗ

Жийдамга нелиб қўнди  
Бир гала олтин қўнғиз.  
Ғув-ғувиллаб каттаси  
Сайрай нетди узун сўз:

„Ғув-ғув қиламиз, ғув-ғув,  
Қайда бундай мазза бор.  
Гулда овқат, пастда сув  
Ҳовли энан чаманзор.

Аммо бу ерга ҳозир  
Қўнмай бурун биз гулга,  
Чопиб келар Баҳодир  
Ипини олиб қўлга.

Ҳали қорни тўймасдан  
Бизни тутиб олади.  
Чўзиб оёғимизни,  
Яхшилаб боғ солади.

Сўнг қўяди офтобга  
Қисилиб кетар нафас.  
Хўп уриниб атрофга  
Эрман бўламиз бирпас.





Сўнгра ташлаб кетади,  
Ухлаб олади ором.  
Биз бўлсак-чи, қуёшда  
Қолиб ўламиз ҳаром.

Фақатгина Омонжон  
Бизга меҳрибон ўртоқ.  
Қарар бизга тўймасдан  
Нўзлари қора мунчоқ.

Аясига сўз берган  
Тегмайман деб қўнғизга.  
Айтинг, яна дўстларим,  
Нима етмайди сизга?

Баҳодир ҳам ипини  
Ҳам шўхлигин ташласа,  
Омон келиб дўстини  
Боғчасига бошласа.

Гувиллаб учиб бориб,  
Уни хурсанд этардик.  
Омон, Баҳодир – ҳамма  
Иноқ бўлиб нетардик".



## МЕН ТУҒИЛГАН КҮН

Ғизиқ, хар йил январда,  
Мен туғилган бир кун бор.  
Нелишади меҳмонлар  
Ёғиб турганда ҳам қор.

Энди ўрилган сочим,  
Бўлганман ўқувчи қиз.  
„Букун туғилган кунни  
Мақтадан қолар?“ дерсиэ.

Ўйламанг бундай деб ҳеч,  
Нетдим иссиқ кийиниб.  
Уят бўлар қолсам кеч,  
Букун сакниэга кириб.

Мақтада Гулнор, Дилбар  
Мени кутиб олишди.  
Туғилган кунни қизлар  
Қайдан била қолишди?



Ҳа, неча айтдим ўзим,  
Чорлагандим барчани.  
Натта уй ўртасига  
Безатганмиз арчани.

Ўйинчоқлар осилган,  
Ёқилган ҳар хил чироғ,  
Арча худди мевалар—  
Пишиб ётган нўм-нўн боғ.

Аям келтирди бизга  
Турли совғалар анча.  
Деди: „Аъло ўқисанг,  
Ҳар йил безайман арча“.

Сўз бераман аямга,  
Гувоҳ бўлсин қорбобо:  
Ўсаман соат сайин,  
Ўқийман доим аъло.







## БИР БОЛА БОР ОТИ АЛИШЕР

### I. МУҲИМ САВОЛ

Гўзал Фарғонада, сўлим қишлоқда,  
Шинам бир ҳовлида яшар Алишер.  
Ўқийди. Гоҳ нолхоз, гоҳ ҳовли, боғда  
Жондан кўманлашиб ишлар худди шер.

Бир саволга жавоб топмайди лекин:  
„Журналист ё рассом коммунизмнинг  
Актив қурувчиси аталармикин?“  
Шу ҳал қилар эмиш тақдирин унинг.

Дейди: -Спорт ва музика ҳаммага зарур,  
Аъло ўқиши шарт ҳар бир пионер.  
Чиройли кўзлари тўла истак, нур,  
Демак жавоб нутар бизнинг Алишер.



## II. ШУНДАЙ ЯШАР АЛИШЕР

Алишернинг қишлоғи  
Иқлимда йўқ гўзал жой.  
Сахий она тупроғи  
Манзара, неъматга бой.

Ўринзор этагидан  
Бошланади даласи.  
Гўзалар эгатидан  
Усар тоғлар галаси.

Тонларда шовул узум,  
Алишернинг вақти чоғ.  
Сойда сув оқади жим,  
Алишернинг кўкси тоғ.

Тутнинг кўк баргини еб  
Ўқуртлар ўрайди пилла.  
Кузда олинар йиғиб  
Ердан беҳад оқ тилла.

Алишер севар барин,  
Дилда истак, ҳаяжон.  
Шундай пахта даласин  
Бўёқ-ла чизиш армон.



Олма узган қизларга  
Ялинади шошманг деб.  
Мен сурат чизганимдан  
Ҳеч кимга сўз очманг деб.

Ёзман бўлади барин,  
Урганиб юради у.  
Оқшомги тоғлар рангин  
Кўчирман бўлади у.

Шафақни чизиб бўлмай,  
Тугаб қолади кундуз.  
Алишер кўзларидай  
Ёнади кўнда юлдуз.

Ухлашга тушар тун ҳам,  
Уйдагилар ухлайди.  
Алишер қўлда қалам,  
Ёзиб, чизиб ўйлайди.

Ним билар, ўзи севган  
Мактаб ҳақда ёзарми?  
Ёки бахт, орзу берган  
Юртни нуйга соларми? . .

Журналми, газетада  
Ажаб эмас ўқисан.  
Ним етмайди мақсадга  
Бўлса чидам ва истак!





### III. РУБОБ АРТЕНКА БОРДИ

Аълочи Алишерни  
Кузатдилар Артенка.  
Нутмаганди бу бахтни,  
Шодлик сигмас юракка.

Самолётда учди илк,  
Дўстлар топди беҳисоб.  
Аммо ёнда доим тик  
Борди қадрдон рубоб.

Артек. Осмондай денгиз,  
Ажиб сарой қирғоқда.  
Нелиб юз-юз ўғил-қиз,  
Бу меҳрибон қучоқда—

Дам олади. Тўлқинлар  
Қирғоқда урар тинмай,  
Ленин, уйдаи харсанглар  
Қилча жойидан жилмай—






Довулларни қайтариб,  
Созга солади қулоқ.  
Денгизга куй ўргатиб,  
Алишер чалар рубоб.

„Андинжон полкаси“га  
Ўйнади испан бола.  
Вьетнамлик елкасига  
Қўлин солиб Ангола—

Фарзанди ҳам бўлди жўр,  
Чалди рус қизлар чапан.  
Қуёш тўниб сахий нур  
Қучди ҳаммани бирдак.

Ўора денгиз бўйида  
Рақсга тушди Ер юзи.  
Кулгиси, ўйинида  
Барқ урди дўстлик сўзи.

Сўнг Артек қўшиғини  
Нуйлади бутун қирғоқ.  
Жўр бўлди ўзбек ўғли  
Қўзда бахт, қўлда рубоб.





#### IV. ДЎСТ ҚЎЛИН ЧЎЗСА

Ҳар насб чорлар ўз майдонига,  
Алишернинг кўпдир ҳаваси.  
Сурат чизар экан.

Ёнимга

Келди олиб.

–Мана биттаси:

Бўм-бўш синф, осиз харита,  
Нўрсаткич-ла бир қиз турипти.  
Инки бола битта партада,  
Кўз, идрокин унга тикипти.

Деразадан тўкилган шуъла  
Уччовининг ёритган юзин . . .  
Расм номи:

„Дўст қўлин чўзса,  
Кезиб чиқмоқ мумкин ер юзин“.



## V. СЕН АГАР...

Колхозчи меҳнати солар ҳайратга,  
Ўрувчи санъатин мақтайсан ўзинг,  
Ишчидаги битмас суръат, ғайратга  
Ўйилсан. Фазони синчиклар кўзинг.

Меҳрибон муаллим энг севган кишинг,  
Энг катта душманинг ёлғончи, ялқов.  
Инсонга асқотса меҳнатинг, ишинг,  
Чин дўстсан, ҳам жасур, ҳамда беаёв.

Журналист ё рассом бўлсанг, Алишер,  
Олға интилишдан толмасанг бир дам,  
Актив коммунизм ўрувчиси дер  
Севган қишлоғинг ҳам, халқ ҳам, Ватан ҳам.





## МУНДАРИЖА

ГУЛЛАРИМ .....	5
УЧРАШУВ .....	6
ЎИЗЧАМ .....	10
КАПАЛАК .....	12
ЛОЛАЎИЗФАЛДОЎ .....	14
ТИЛЛА ҶЎНФИЗ .....	16
МЕН ТУФИЛГАН КУН .....	18
БИР БОЛА БОР ОТИ АЛИШЕР .....	21
I. Муҳим савол .....	21
II. Шундай яшар Алишер .....	22
III. Рубоб Артеќна борди .....	24
IV. Дўст ҷўлин ҷўзса .....	27
V. Сен агар.....	28





3—91

Зулфия. Лолақизгалдоқ (Шеърлар). (Кичик ёшдаги болалар учун). Т., „Ёш гвардия“, 1970. 32 бет.

Зулфия. Красный мак (Стихи).

Ўз2

7—6—1.

В. М. Сосновец, К. П. Назаров расмлари. Кичик ёшдаги болалар учун. На узбекском языке. Зулфия. Красный мак (Стихи). Издательство „Ёш гвардия“ — Ташкент — 1970.

Редактор М. Аъзамов. Расмлар редактори К. Назаров, Техн. редактор Л. Шишикина. Корректор М. Рустамов.

Босмахонага берилди 25/VII-1970 й. Босишга рухсат этилди 28/VII-1970 й. Формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Босма листи 2,0. Шартли босма листи 2,8. Нашр листи 3,07. Тиражи 105.000. Қоғоз № 1.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети „Ёш гвардия“ нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Шартнома № 157—69. Заказ № 2442. Баҳоси 22 т.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти босмахонаси. Тошкент, „Правда Востока“ кўчаси, 26.